

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! МУҲАНДИСЛАР САРДОРИ

Давлатимиз раҳбарининг мустақилликнинг 23 йиллиги арафасида эълон қилинган Фармони билан мукофотланганлар орасида "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти муҳандислик маркази раҳбари, бош муҳандис ўринбосари Рашид Пирматов ҳам бор. У Фармонда таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик меҳнати билан саноат соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" фахрий унвонига сазовор бўлди.

... Жумабозорлик Хусанбой ота дала билан тиллашган агроном, деҳқончиликнинг нонини еган одам бўлса-да, тўнгич ўғлининг раёини қайтармади.

— Ота, Москвага ўқишга бормоқчиман, — деган эди ушанда Рашид, — муҳандислик касбини эгаллаб, металл заводида ишламоқчиман...

Отанинг розилиги, рус тили ўқитувчиси София онанинг сабоқлари Рашидга қанот бўлди. Дастлабки икки кириш имтиҳонидан 9 балл тўплади ва қолган имтиҳонлардан озод этилиб, Москва пўлат ва қўйилмалар институти талабалигига қабул қилинди.

1986 йилда институтни тугаллаб қайтган Рашид Ўзбекистон металлургия заводининг электр ёрдамида пўлат эритиш цехига смена мастери бўлиб, ишга кирди. Йиллар ўтган сари таҳрири ва йўналиши ортиб, корхонада обрў-эътибор қозонди. Бу орада корхона муҳандислик марказида лаборатория бош-



лиги, технология бўлими бошлиғи, электр ёрдамида пўлат эритиш цехи бошлиғининг ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбарининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 2007 йилдан буён эса "Ўзметкомбинат" АЖда бош муҳандис ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари вазифасида ишлаб келмоқда.

— Қарийб 28 йиллик меҳнат фаолиятим давомида корхона босиб ўтган йўлга гувоҳ бўлиб турибман, — дейди у. — Айниқса, истиқлол йилларидаги юксалишларда бевосита иштирок этаётганимдан қувонаман.

Мустақиллик йилларида комбинат фаолияти бутунлай янгиланиб, ишлаб чиқариш мўлласи кенгайиб борди. 1994 йилда пўлат золдирлар ишлаб чиқариш, 1997 йилда маҳаллий хом ашёдан металл маҳсулотлари, пайвандлаш ва эритиш йўли билан сим ишлаб чиқариш технологиялари жорий этилди. 1999 йилда эса пўлатга печдан ташқари ишлов бериш қурилмаси ўрнатилиб, пўлат эритиш вақти қисқарди ва маҳсулот сифати яхшиланди. 2002 йилга келиб, электр печларини янгиларига алмаштириш билан электрда пўлат

эритиш цехини қайта таъмирлаш ниҳоясига етказилди. Янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисоби-га электр энергияси, ўтга чидамли материаллар ва графитланган электродлар сарфи камайди.

— 2008 йилда электр ёрдамида пўлат эритиш цехига ўрнатилган печларнинг газ тозалаш қурилмаси реконструкция қилинди, — дейди муҳандислик маркази раҳбари. — Бунга қадар электр печидан чиқаётган заҳарли газ ва чанг ҳар куб метрга 80 миллиграмм бўлса, реконструкциядан сўнг

12-15 миллиграммдан ошмаяпти. Бу эса халқаро экологик талабларга тўла мос келади.

2010 йилда корхонанинг килорд-компрессор цехи бутунлай янгиланди. Бугунги кунда цехда бутун комбинатни кислород, азот, аргон газлари билан таъминлабгина қолмай, балки мамлакатимиз саноат корхоналарига ҳам етказиб бериш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Рашид Пирматов (чапдан учинчи) ҳамкасблари даврасида.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбаси

— 21 декабрда ўтказилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилишни муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоуллубек Абдусаломов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида" қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТ ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПТИ

"Теракли" маҳалласи аҳолисининг аксарияти Олмалик кон-металлургия комбинати "Олтинтоп-ган" бошқармаси эришган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам маҳалланинг 180 дан зиёд фуқароси комбинат корхоналарида самарали меҳнат қилмоқда.

— Маҳалламизда суло-тирилган газ таъминотида муаммолар бўлиб турарди, — дейди "Теракли"да яшовчи Аскаралли Имомбердиев. — Уша йиллари ЎзЛиДеП аъзоси, "Олмаликшаҳаргаз" раҳбари Бахтиёр Жўраев Қодирий номи ва бизнинг маҳалладан шаҳар депутатлигига сайланди. Биз депутатдан табиий газ келтиришга ёрдам

беришни илтимос қилдик.

2013 йилда маҳаллага газ ўтказиш режаси "Ўзтрансгаз"нинг манзилли дастурига киритилди. Бунда шаҳар ҳокимияти ҳам ёрдами аямасди. Олмалик кон-металлургия комбинати эса магистрал газ қувурини ўтказиш трассасини тозалаб, тартибга келтиришда техникадан

ёрдам бериб турди. Маҳаллага газ қувури тортиш 2013 йилнинг октябры ойидан бошланди.

Бундан ташқари, депутат маҳалланинг 11 фуқаросини ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож уч оила вакилларига бир бошдан қорамол олиб беришга ёрдамлашди.

— Ҳар куни бажарилиши керак бўлган ишларни назорат қиламан, — дейди Бахтиёр Жўраев. — Мақсадим — аҳоли турмуш фаровонлигига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшиш.

Наргис МАМАТКУЛОВА.

Кредит ва лизинг

Мамлакатимизда амалга оширилётган илчил ислохотлар самараси ўлароқ, банк-молия тизими ҳам барқарор ривожланимоқда. Яратилётган шарт-шароит ва берилётган имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектла-

ри учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Аҳолининг тижорат банкларида кредит олиши тобора кенгайиб, ушбу маблағдан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар кўпайиб бораётгани ҳам бунинг тасдиқлайди.



Изчил ислохотлар натижасида юртимиздаги банк ва бошқа кредит таъшилотларининг кредит портфели йилдан-йилга ўсиб бораётди. Кредит бозорининг ривожланиши жараёнида кредитлаш жараёни инфратузилмасини такомиллаштиришнинг

аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Халқаро тажрибада кредитлаш жараёни инфратузилмасини ривожлантириш кредит муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва таваккалчиликдаги хатарни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада ошириш, фермерлиқни ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим манбаларидан бири бўлган боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу тармоқдаги ишлар самарадорлигини ошириш, янги боғлар яратиш, мавжудларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ИСМИ ЖИСМИГА МУТАНОСИБМИ?

Тўйтепа шаҳри, "Обод турмуш" маҳалласи, Шон-шухрат кўчасидаги бугунги аҳвол киши таъбини хира қилади. Бир неча йилдирки, кўча ахлатхонага айланган. Айниқса, шундоққина 45-, 55-, 58-, 77-, 79-, 83-уйлар олдидаги ахлат уюмларининг ҳидига туриб бўлмайди.

Хонадоннинг сариштали эканини унинг остонасидан билиш мумкин. Бироқ Шон-шухрат кўчасига қадам қўйишингиз билан ахлатдан ҳосил бўлган дўнгликларга дуч келасиз. Йўللари бетаътиб ташлаб кетилган ахлатлар орасида нималар йўқ дейсиз. Бўш бақлашқалар, хар хил чиқиндилару турли маҳсулотларнинг қолдиқлари...

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

"Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда", деган эдилар давлатимиз раҳбари. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон истиқлолга эришгач, юртимизга турли ғоя ва мафкуралар кириб кела бошлади. Улар орасида ғаразли мақсадларни кўзлаган миссионерлар ҳаракати алоҳида ажралиб туради.

ЭЪТИҚОД КУШАНДАЛАРИ

Миссионерлар ҳаракати сабабли жамиятда ихтилоф, бўлиниш, фитна учун етарли шароит пайдо бўлади. Ҳолбуки, фитна-фасод, бузғунчилик одамларнинг ўзаро аҳил-иноқ яшаши тўғрисидаги илоҳий таълимотга мутлақо зиддир. Куръони Каримда: "...Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...", дейилган.

Ҳаётимиз қомуси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида "Ҳаммага виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга..." дея белгиланган қарамай, миссионерлик ҳаракатлари ҳамон кузатилмоқда. Ваҳоланки, айнан шу 31-моддада "Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", деб ёзилган.

Миссионерлик (лотинча "missio" — "юбориш", "вазифа топшириш") бир динга эътиқод

қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб этишни англатади. Прозелитизм эса, миссионерлик фаолияти оқибати ўлароқ фуқаронини ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур этишдир.

Миссионерларнинг мақсадлари мустақилликка эришиб, порлок келажagini барпо этаётган юртимиздаги аҳиллик ва барқарорликка, миллий ва диний қадриятларимизга путур етказишдир. Маълумки, миссионерлар айнан шу йўл билан бир неча ўлкаларда ихтимоий-сиёсий ҳаётни издан чиқаришган, яхлит халқларни бир қанча гуруҳ ва табақаларга бўлиб юборишган. Масалан, матбуот хабарларига кўра, Индонезияда ҳаракат қилган миссионерлар йигирма беш йил давомида минглаб одамларни ўз томонларига оғдириб, улар яшаётган Шарқий Тиморни мамлакатдан ажратишди.

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИЗЛАНУВЧАН, ФАОЛ МУТАХАССИСЛАР ФОРУМИ

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш мутахассислар" II республика форуми бўлиб ўтди.

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар, "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг ғолиби ва савриндорлари, ўқитувчилар, фаол талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари ҳурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Пойтахтимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган "Ўзбекистон" хал-

қаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази ва "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасига экскурсия уюштирилди.

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни буюк аждодларимизга муносиб, ҳеч қандай кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун зарур барча шароитларни яратишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).



БЕГОНА МАҲАЛЛА
ФУҚАРОЛАРИГА
АХЛАТ ТАШЛАШ
МАН ҚИЛИНАДИ.
ЖАРИМА 84.000 с.т.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принциплари ҳамда талаблари, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчилиги ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, авваломбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қачонга имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиёт

ОЛТИТАСИ ТАЙЁР

Ангрен маҳсус индустриал зонаси ҳудудида истиқболли лойиҳалар асосида қуриш мўлжалланган 16 та саноат объектларидан 6 таси ишга туширилди. "Angren shakar zavodi", "Eglnur" қўшма корхонаси, "Angren quruv zavodi" унитар корхонаси инвестиция кiritиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшди. "Uzshindon Silicon"

Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси қуриб битказилиб, ишлаб чиқариш ускуналари ва дастгоҳлар ўрнатилиб, соналмоқда. Техник мойларни қайта ишлашга мўлжалланган Болгария билан ҳамкорликдаги "Ўзприста" қўшма корхонасини шу йил охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорлик доирасидаги лойиҳалар асосида собиқ "Резинотехника" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қисмида қурилиш саноатида фойдаланиладиган металл-керамика плиталар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. "Ангрен ИЭС" очик акциядорлик жамиятида Хитой Халқ Республикасининг "Гарбий электрик Интернейшнл КО.ЛТД" компанияси энергоблок қурилишини жадал давом эттирмоқда.

НАТИЖАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Олмаликдаги Розахон Сиддиқова раҳбарлик қилаётган мебель цехида ишлаб чиқарилаётган уй жиҳозлари хорижликларга ҳам маъқул бўлмоқда. Айни кунларда Қирғизистон ва Хитой ишбилармонлари билан фойдаланиш шартномалар тузилмоқда.

— Ҳозир янги ҳамкорларимизнинг меҳмонхона ва ресторани учун мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошлаб юборганимиз, — дейди цех раҳбари. — Асосан ошона ва ётоқхона жиҳозлари, юмшоқ мебельлар тайёрляяимиз. Келгусида хорижий тадбиркорлар билан шартномалар тузиш ниятидамыз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кампанияси жараёнига аралашши ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишнинг олди олинад ва қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгилар билан таништирилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэтироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик

талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

Чунончи, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни тенг

шароитлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмидаги тақомиллаштирилди.

Фаолиятининг асосий принципларини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик ва адолатлилик ташкил қилади. Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий мустақиллиги билан таъминлашнинг демократиклиги, очик ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айланди.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалти-

ришга доир амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва та-

комиллаштириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик тамойилига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилган ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бугунги кунда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиклик, ошқоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

У.А.

Маънавият

ЭЪТИҚОД КУШАНДАЛАРИ

Улар халқларни тўғри йўлдан чалғитиш, ораларига нифок солишга кўплаб маблағ сарфлашяпти, минглаб нусхада нашрлар тарқатишяпти. Ҳозир жаҳоннинг турли бурчакларида вақти-вақти билан аланга-лабиб турадиган низо-лар ва динлараро тўқнашувларда ҳам миссионерларнинг қўли бор. Шундай экан, халқимизни, айниқса, ёшларимизни турли гаразли оқим ва ҳуружлардан ҳимоя қилиш бугуннинг энг долзарб вазифасидир.

Миссионерлар одамлар билан киришиб кетишга, жамиятга мослашишга жуда уста бўлишади. Уларни ажратиблиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим. Биринчидан, суҳбатдошингиз сиз билан Худо ҳақида гаплашишга уриниб, Қуръон ва Ҳадислардан мисоллар келтириши мумкин. Шунда сиз: "Қуръон энг мукаддас ва энг тўғри китобми?" деб савол беринг. Агар у тутилиб қолса ва гапни бошқа томонга буришга уринса, демак у аник миссионер. Иккинчидан, миссионер сизнинг муайян дарднингизни даволашга

ваъда бериши мумкин. Шунда, ундан қаерга боришингиз кераклигини сўранг, агар у: "Биз хонадонларда даволаймиз" деса, демак у ҳам миссионер. Учинчидан, ҳар бир миссионер суҳбат охирида сизга муайян китоб ёки журнални ўқиб чиқишни таклиф қилади. Сизга "бе-пул" таклиф қилинган китоб ёки журналнинг номлари қуйидагича бўлиши мумкин: "Сторожёва башня", "Пробудитесь", "Худонинг раҳбарлиги жаннатга йўл кўрсатмоқда".

Муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, беморларни зиёрат қилиш каби амаллар орқали ишончга кириш ҳам миссионерларга хос усул. Бу билан ислом динига эътиқод қиливчи маҳаллий аҳоли ўртасида ўзлари ҳақида ижобий фикрлар уйғотишга эришилади. Бу йўлда ислом аҳкомларини атайлаб бузиб кўрсатиш, Қуръон оятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш каби усуллардан фойдаланишди. Шу ҳаракатлар соясида турли бузғунчи рисола, журнал ва матнлар маҳаллий тилларга таржима қилиниб, аҳоли ўртасида текин тарқатилади. Бундан

ташқари, ўқув марказлари, хорижий тилларни ўргатиш масканларини ташкил этиш орқали ҳам гаразли мақсадларини амалга оширишга уринишади.

Кўча-кўйда, аҳоли гавжум жойларда миссионерлар тарқатаётган китобларнинг мазмун-моҳиятини тушуновчи юртдошларимиз бундай вазиятда: "Менга нима" қабилида иш тутмай, ҳар қандай зарур юмушлари бўлса-да, ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар беришлари лозим. Чунки, арзимагандек туялган мана шу ҳаракат билан халқ манфаати, юрт тинчлиги, Ватан осойишталиги таъминланади.

Ўзбекистон заминидида азал-азалдан диний бағрикенглик устувор бўлиб келган. Бу ўлка аҳолиси бошқа динларнинг эътиқоди, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилган, улар билан асрлар оша ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликда ёнма-ён яшаган. Халқимиз ўртасида парокандалик, ишонсизлик туғдиришга ҳаракат қилаётган миссионерларнинг қабих ниятларидан огоҳ бўлайлик.

Азизжон АЛИМЖОНОВ,
Олмалик шаҳар бош имом-хатиби.

Кредит ва лизинг

Ўзбекистон меваларнинг серхосил, ҳуштам, юқори сифатли навларини яратиш ва парвариш қилишда бой тажрибага эга. Бу халқро миксда ҳам кенг эътироф этилган. Богдонларимиз етиштираётган сархил мевалар юқори сифати билан нафақат мамлакатимизда, балки

ларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника, маҳсулотларни қайта ишлаш ва узоқ муддат сақлаш ускуналари билан таъминлаш, юқори қувватли иссиқхона хўжалиқларини ташкил этишни қўллаб-қувватлашга қаратилган аҳамиятли-

йилнинг 29 январидида Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига Глобал экология фонди траст жамғармасининг мазкур лойиҳани биргаликда молиялаштириш учун энергия тежайдиган технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишга йўнал-

лиқни ривожлантириш учун ажратилади. Лизинг усулида кредит беришнинг бир қатор талаблари бор. Жумладан, бир миқозга инвестиция лойиҳалари учун 500 минг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш (музлаткич ва омборлар) учун 1 миллион, қисқа муддатли айланма маблағлар учун 50 минг АҚШ доллари қийматидан ошмаган миқдорда сўм ёки АҚШ долларида кредит берилади.

Узоқ муддатли лизинг кредити 10 йилгача (имтиёзли муддат 3 йилгача), қисқа муддатли айланма маблағлар учун 18 ойгача (имтиёзли муддат 9 ойгача) ажратилади. АҚШ доллари ҳисобидидаги лизинг кредитлари 5,5 гача, Ўзбекистон сўми ҳисобидидаги кредитлар 10 гача устама фоиз билан берилади. АҚШ долларидаги кредитлар Ўзбекистон миллий валютаси, яъни сўмда Марказий Банкнинг расмий курсига мувофиқ қайтарилади. Миқозининг кредит олишдаги ҳиссаси кредит умумий қийматининг 10 фоизидан кам бўлмади.

Муҳтасар айтганда, мазкур қарор қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, айниқса, интенсив боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликнинг илгор технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника, маҳсулотларни қайта ишлаш ва узоқ муддат сақлаш ускуналари билан таъминлаш янада яхшилашига хизмат қилади. Энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, пировардида халқ фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Ҳасан ҲАСАНОВ,
қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги масъул ходими.

КИЧИК БИЗНЕС – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



хорижда ҳам кадрланади. Шунинг учун мамлакатимизда соҳани янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, қайта ишлашни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика Президентининг "Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-босқич" лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам интенсив боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликнинг илгор технология-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дир.

Қарорда таъкидланишича, 2012 йилнинг 11 сентябрида Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-босқич" лойиҳаси доирасида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш" тариби қисмини молиялаштириш мақсадида 25 йил муддатга (5 йиллик имтиёзли муддат билан) 40 миллион доллар эквивалентида қўшимча маблағ тақдим этди. 2013

тириладиган 12,699 миллион доллар миқдоридидаги грант маблағларини маъқуллади.

"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-босқич" лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги имтиёзли кредитлар хорижий валюта (АҚШ доллари) ва миллий валютада Халқ банки, Қишлоқ қурилиш банки, Ўзсаноат-қурилишбанк, Туронбанк, Ҳамкорбанк, Ипак йўли банки ва Ипотека банки филиаллари орқали Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида мева-сабзавотчилик ва узумчи-

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ИСМИ ЖИСМИГА МУТАНОСИБМИ?

Қизиқ, бу ерда яшовчилар маҳаллани "Обод турмуш" дея номлашяпти-ю, лекин буёғига эътибор беришмапти-да. Уларга чиқинди уюмлари "шон-шухрат" келтирмайдику ахир?!

— Маҳаллада муаммо кўп, — дейди фуқаролардан бири. — Улар ҳақида ҳокимиятга ёзганимиз. Аммо, энг аввал ҳудудни ахлатдан тозалаш керак.

Қарс икки қўлдан чиқшини яхши биламиз. Бизнингча, Шон-шухрат кўчасидаги чикиндилар уюми учун мутасадди ташкилот ходимлари ҳам, ҳудудда яшовчи аҳоли ҳам бирдек айбдор. Назаримизда, бу ерда яшовчи аҳоли чикинди уюмлари ёнидан оғиз-буринла-

(Давоми. Боши 1-бетда).

рени ёпиб ўтишса керак. Эркагу аёл, ёшу қари кун давомида ахлат уюмлари орасидан неча бор ўтишга мажбур. Бу уюмлар уларнинг саломатлигига зарар етказмайди деб ким кафолат бера олади?!

Туман ҳокимлиги, маҳалла раҳбарияти, санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари бу ҳолатга нега берафқар?! Илдиз отиб бораётган муаммоларга нима учун етарли эътибор берилмаяпти?

Ушбу мақоладан сўнг юқоридаги саволларга жавоб топилади, деган умиддамиз.

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА,
Азамат АҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.



Ишлаб чиқариш

УЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА



Янгийўллик якка тартибдаги тадбиркор Баҳодир Холмирзаев узоқ йиллардан бўён буюртмачилар ишончини қозониб келмоқда.

— Мактабни тамомлағач, темирчилик касбини танлашни мақсад қилдим, — дейди Баҳодир. — Бу касб катта сабр ва матонат талаб этади. Лекин тайёрлаган маҳсулотинг кишиларга завқ бағишласа шунинг ўзи кифоя. Кичик корхона ташкил этгач, ака-ука ва жиянларим қўллаб-қувватлашди. Яхши ният билан биргаликда ишни бошлаб юбордик. Темирга моҳирона ва нозик ишлов бериш бироз мураккаб. Анчайин қўл меҳнати ва меҳр талаб этади. Халқимизнинг яхши тўйлари, тадбирларига борганимизда меҳнатларимиз самарасини қўриб қувонамиз. Чунки ҳукуматимиз биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, яратиб бераётган шароитлар, қулайликлар туфайли элимиз, юртимиз хизматидамыз.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: тадбиркор Баҳодир Холмирзаев иш устида.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



МУҲАНДИСЛАР САРДОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Охириги йилларга келиб, комбинатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури босқичма-босқич амалга ошириляпти. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам қўлаймоқда. Агар 1998 йилда корхонада 349 минг тонна пўлат эритилиб, 312 минг тонна прокат ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йил якунига кўра 746 минг тонна пўлат эритилиб, 718 минг тонна прокат истеъмолчиларга етказиб берилди. 2014 йилнинг ўтган 8 ойи якунлари янада салмоқли бўлди.

— Эришилган бундай юксак натижаларда комбинат муҳандислик марказининг муносиб ҳиссаси бор, — дейди бош муҳандис Айдар Ҳасанов. — Чунки ушбу марказ ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, замонавий технологияларни жорий этиш, мавжуд техник ва технология жараёнлардан унумли фойдаланиш, пировардида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтиришда етакчи куч ҳисобланади. Марказ раҳбарининг муҳтарам Президентимиз Фармонида бинам юксак унвон билан тақдирланиши муҳандисларимиз меҳнатига берилган юқори баҳо, металлургиянинг эришяётган натижаларининг эътирофи деб биламиз.

Севган касби ва фидокорона меҳнати туфайли Давлат муқофотига сазовор бўлган Рашид Пирматов чин маънода металлургия оиласи бошлиги. Турмуш ўртоғи Саломатхон Новоқунаевдаги Сибирь металлургия институтини тамомлаган. Ҳозир комбинатнинг мартен цехида ишлаб чиқариш таълими бўйича йўриқчи. Тошкент техника университетини тамомлаган ўғли Бахтиёр электр ёрдамида пўлат эритиш цехида пўлат қуювчи бўлиб ишляпти. Қизи Шаҳноза ҳам металлургия касбини эгаллаш мақсадида Тошкент техника университетининг охириги босқичида таълим олмақда. Кенжатоғи Азизнинг нияти ҳам келгусида ота изидан бориш.

— Иш жойим шаҳарда бўлса ҳам оилам билан қишлоқда яшайман, — дейди хизмат кўрсатган саноат ходими. — Ерни, қишлоқ одамларини яхши кўраман. Буш вақтим бўлди дегунча, томорқага қираман, фермер укаларимнинг даласига бораман. Қишлоқларнинг ҳам тобора кўркамлашиб бораётгани, одамларнинг онгидидаги ўзгаришлар менга завқ беради.

Каримкул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

